

9-10-2019

THE ISSUE OF SOCIAL RESPONSIBILITY IN THE HISTORY OF PHILOSOPHICAL AND MORAL THOUGHT

Khamidjon Gulomovich Kipchakov
PhD student of Uzbek National University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Kipchakov, Khamidjon Gulomovich (2019) "THE ISSUE OF SOCIAL RESPONSIBILITY IN THE HISTORY OF PHILOSOPHICAL AND MORAL THOUGHT," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 36.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/36>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE ISSUE OF SOCIAL RESPONSIBILITY IN THE HISTORY OF PHILOSOPHICAL AND MORAL THOUGHT

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ ТАФАККУР ТАРИХИДА ИЖТИМОИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ

Ҳамиджон Гуломович Қипчоқов
ЎЗМУ таянч докторанти

Аннотация. Ижтимоий жавобгарлик масаласи айниқса, глобаллашув шароитида ижтимоий-сиёсий жараёнлар нафақат моддий ва маънавий-ахлоқий ҳаётнинг барча соҳаларига мисли кўрилмаган даражада таъсир кўрсатаётган, балки маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳам муносабат ўзгариб бораётган бугунги ўзбек жамиятида ўта долзарб аҳамиятга эгадир.

Калит сўзлар: ижтимоий жавобгарлик, ахлоқий жавобгарлик, шахс жавобгарлиги, ахлоқий категориялар, мажбуриятлар, ахлоқий талаблар.

ВОПРОС СОЦИАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В ИСТОРИИ ФИЛОСОФСКО- ПРАВСТВЕННОЙ МЫСЛИ.

Ҳамиджон Гуломович Қипчоқов
базовый докторант Узбекского национального университета.

Аннотация. Социальная ответственность требует от человека разумного и ответственного общения с природой, обществом и самим собой. В этом отношении социальная ответственность более этическая. Вот почему важно отметить, что этическая ответственность лежит на основе всех видов ответственности.

Ключевая слова: социальная ответственность, этическая ответственность, ответственность личности, моральные категории, обязательства, этические требования.

THE ISSUE OF SOCIAL RESPONSIBILITY IN THE HISTORY OF PHILOSOPHICAL AND MORAL THOUGHT.

Khamidjon Gulomovich Kipchakov
PhD student of Uzbek National University

Abstract. Social responsibility requires from a person to communicate intelligently and responsibly with nature, society and himself. Social responsibility is more ethical in this regard. That is why it is important to note that ethical responsibility forms the basis for all types of liability.

Key words: social responsibility, ethical responsibility, liability of the person, moral categories, obligations, ethical requirements.

Инсоният сўнги икки аср мобайнида илмий инқилоблар билан бирга турли даражадаги ижтимоий ўзгаришларни бошдан кечирди. Айниқса, охирги ўттиз йилда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олган глобаллашув жараёнига дуч келди. Бу жараён бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатларни юзага чиқарди. У сиёсий-иқтисодий интеграция масалаларида қанчалик ижобий аҳамият касб этмасин, ижтимоий-ахлоқий муносабатларга салбий таъсири ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда мазкур муаммоларни ҳал этишда янги контцептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш ва уларни амалий ҳаётга жорий

этишни талаб қилади. Жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олувчи глобал инқирозларни бартараф этиш воситаси сифатида ижтимоий жавобгарлик масаласи кун тартибидан ўрин олмоқда. Ижтимоий жавобгарлик масаласи айниқса, глобаллашув шароитида ижтимоий-сиёсий жараёнлар нафақат моддий ва маънавий-ахлоқий ҳаётнинг барча соҳаларига мисли кўрилмаган даражада таъсир кўрсатаётган, балки маънавий-ахлоқий кадриятларга ҳам муносабат ўзгариб бораётган бугунги ўзбек жамиятида ўта долзарб аҳамиятга эгадир. Ижтимоий жавобгарликнинг айна дамдаги аҳамияти шундан иборатки, табиат ва жамиятга антропоген таъсирларнинг миқёси ва кучини ошириш, турли даражадаги қабул қилинаётган қарорларнинг ижтимоий масъулиятини тушуниш ва шунингдек, энг ҳаётий ресурсларнинг тузатиб бўлмайдиган табиатини англаш билан боғлиқ. Шу муносабат билан, ижтимоий масъулият, яъни ижтимоий жавобгарлик назариясини ишлаб чиқиш зарурати туғилади, бу турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг энг муҳим воситаси сифатида тушунишга имкон беради.

Ижтимоий жавобгарликнинг назарий ва эмпирик асосларини фалсафий-ахлоқий таҳлил қилиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифадир. Унинг ечими ижтимоий жавобгарликнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини, унинг намоён бўлиш хусусиятларини ва фаолиятнинг турли соҳаларини тушунишга ёрдам беради ва уни амалга оширишнинг объектив ва субъектив омилларининг диалектикасини англашга хизмат қилади.

Инсон эркинликлари чек-чегараси, масъулият, ижтимоий жавобгарликнинг инсон фаолиятидаги ўзаро алоқаси фалсафий тафаккур тарихидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Мазкур муаммо фалсафий-ахлоқий жиҳатдан кўплаб шарқ ва ғарб файласуфларининг асарларида чуқур тадқиқ этилган. Қадим даврлардан то ҳозирги кунга қадар ҳар бир шахс ва жамиятнинг ўзига хос жавобгарлик концепцияси ишлаб чиқилиб, уни шакллантирилиб келинган. Бу концепцияга биноан ҳар бир инсон фаолиятдан нафақат ўз манфати билан бирга давлат ва жамият манфатларига, атроф муҳитга фойдаси тегиши кераклигини хис этиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Ижтимоий жавобгарлик ҳақидаги ғояларни атрофлича таҳлил қилиш учун унинг тарихий асосларини кўриб чиқишни тақозо қилади.

Ижтимоий жавобгарлик мураккаб ва кўп маъноли ахлоқий ва ҳуқуқий муҳим аҳамиятга эга тушунча сифатида қадимдан мавжуд бўлиб Авесто, Конфуций, Арасту ва бошқаларнинг асарларида чуқур таҳлил этилганини кўришимиз мумкин. Мисол учун Софистлар ўз қарашларида айбга, айбдорликка алоҳида эътибор беришган. Плутарх ўз асарида шундай воқеани баён этади. Бир спортчи ўз найзаси билан бир одамни ярадор қилади, энди бахс ким айбдорлиги ҳақида бормоқда спортчими, мусобақани уюштирганларми, ёки найза айбдорми[1]. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тафаккур тарихида илк жавобгарлик ҳақидаги фикрлар айбдорлик тушунчаси орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Бу эса, ижтимоий жавобгарлик тушунчасининг келиб чиқишига ва унинг фалсафий-ахлоқий тадқиқот объекти сифатида ўрганишига замин ҳозирлаган. Инсонларни айби нима, нима учун жавобгар деган саволга жавоб бериш, файласуфларни инсон ўзи нима, у

қандай қилиб етук бўлиши мумкин, етук инсон сифатида жамият олдида қандай масъулиятга эга бўлади деган саволларга жавоб излаш устида ўйланишга мажбур қилган мазкур муаммо ижтимоий жавобгарлик масаласини фалсафий бахс мавзусига айлантирди десак муболаға қилмаган бўламиз. Немис файласуфи Гегел ўз даврида буни инсоннинг жамият олдидаги масъулиятига доир энг буюк ва муҳим бахс деб атаган[2].

Ижтимоий жавобгарлик масаласи Суқрот фалсафасидаги энг муҳим жиҳатлардан бири бўлиб, софистларнинг бу борадаги анъанавий қарашларини давом эттирибгина қолмай, балки фалсафий тафаккур тарихида ижтимоий жавобгарликни ҳуқуқий тушунчадан ахлоқий тушунча сифатида янги босқичга олиб чиқди. В.С.Нересянс таъбири билан айтганда, “Суқрот қарашлари марказида масалани ҳуқуқий ўрганилишидан кўра, инсон мавзуси ҳаёт ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, ҳуқуқ ва бурч, эркинлик ва жавобгарликнинг ахлоқий жиҳатлари муҳим ўрин тутди”[3]. Суқрот инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган эркинлик ва жавобгарлик муаммосини ахлоқий парадигма сифатида ўрганиб, у бу каби фалсафий муаммолар оддий муаммолар сирасига кирмаслигини кўрсатиб берди. Суқрот ижтимоий жавобгарликни инсоннинг ўз ўзига ишончидан, ахлоқий тарбиясидан ўсиб чиқишини кўрсатитиб берди. У инсонни ўз хатти-ҳаракатларида қилмишлари тўғри ёки нотўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш зарурлигини кўрсатиб берди.

Суқрот қарашларидаги ижтимоий жавобгарлик бизнинг наздимизда ҳам ахлоқий характерга эга. Бу ҳақда ўрта аср мусулмон шарқининг буюк файлауф алломаси Абу Наср Фаробий шундай баҳо берганлигини кўришимиз мумкин: “Суқрот фалсафасидаги масъулият ва жавобгарлик шахсий жавобгарлик ахлоқидир. У шахсий ахлоқий комилликни юксак кўринишини ифодалайди, бунда шахс, яъни инсон ахлоқий жавобгарликни ўзида ифода этади. Шахс ўзига, ўзини жамият тарақиёти учун айби ва жавобгарликни ўз зиммасига олади[4]. Абу Наср Фаробий Суқрот фалсафасидаги ижтимоий жавобгарлик масаласига ахлоқий жиҳатдан ёндашганини таъкидлаб, муаммони субъектив ҳодисага айлантириб қўйганлигини ҳам баъзи ўринларда танқид қилиб, ижтимоий жавобгарликнинг объектив жиҳатлари ҳам борлигини исботлаб, фозил жамиятда у муҳим ўрин тутишини кўрсатиб ўтган[5]. Тадқиқотчиларинг фикрича, Аристотель ўз қарашларида ижтимоий жавобгарлик масаласига Суқротчалик кенг ўрин бермаган бўлсада, ўзининг учинчи китоби “Никомах ахлоқи” асарида муаммонинг ахлоқи жиҳатларига бир мунча батафсил тўхталиб ўтган[6]. Аристотелнинг фикрича, инсон ўзининг хатти-ҳаракатларига, бу ҳаракатлар Суқротдан фарқли равишда ихтиёрий бўлгандагина жавоб бериши кераклигини таъкидлаб ўтган. Унинг наздида, маънавият инсонни туйғулари, хиссиётлари билан боғлиқ бўлиб, ихтиёрий хиссиётлар ва ҳаракатлар учун ё мақташади ёки танқид қилишади, беихтиёрий ҳаракатлар учун баъзан ачинишади, баъзан ёмонлашади, аммо ихтиёрий ва беихтиёрий ҳаракатлар ўртасида аниқ чегара бўлиш керак. Чунки бу кейинчалик қонуншуносларга жараённи баҳолашда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Аристотель ихтиёрий хатти-ҳаракатлар деганда билмасдан ёки мажбуран

қилинмаган ҳаракатларни тушунади. Мажбуран ва билмасдан ҳаракатни содир этиш, беихтиёрий ҳаракатнинг икки кўринишини изоҳлайди. Беихтиёрий ҳаракатлар манбаи, шу ҳаракатларни содир этувчи инсонни ташқарисида эмас, балки унинг ичидадир. Инсон ўзи танлаган ташқи муҳит таъсири ёки биров тамонидан мажбур қилинмаган ҳолда содир этилган ҳатти-ҳаракатлари учун жавоб беради[7]. Бундан Аристотелнинг ижтимоий жавобгарликни ахлоқий ҳодиса сифатидагина баҳоламаётганини, балки уни ҳуқуқий томонлари ҳам борлигига ишора қилаётганини англашимиз мумкин.

Ғарб олимлари билан бир қаторда шарқда ҳам ижтимоий жавобгарлик масаласи чуқур ўрганилганини, уларнинг қарашларида ислом фалсафий тафаккури муҳим ўрин тутганини эътироф этмаслигимиз мумкин эмас. Бунда биз Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рушдни оламизми ёки мутасаввиф алломалар Ғаззолий, Ибн Арабийми барчалари ижтимоий жавобгарликни юнон файласуфларидан фарқли равишда теологик хусусиятларини ҳам чуқур ўрганишган. Шарқ алломаларининг фикрича, ижтимоий жавобгарлик инсонни жамият олдидаги масъулиятдан келиб чиқсада, унинг асоси Яратувчи олдидаги мажбуриятга бориб тақалади. Ахлоқ эса буни тартибга солади[8]. Масалан, Ибн Сино ижтимоий жавобгарликни жамият қонунларининг ўзигагина юкланиб, у билан тартиб солинса, инсон ахлоқий ва илоҳий мажбуриятдан ўзини соқит қилиб жамиятни бузилиб кетишига сабаб бўлади, дейди[9]. Эътибор берадиган бўлсак, ижтимоий жавобгарлик масаласи шарқ алломаларида нафақат ижтимоий, ахлоқий балки диний-теологик аҳамиятга эга эканлигини ҳам кўришимиз мумкин. Ғарб дунёсида эса ижтимоий жавобгарлик муаммосига бўлган эътиборни янада кучайиши ўрта асрларга бориб кузатилади. Бу жараёнларга эътибор, қизиқиш шарқдан кириб юборган Аверроизм теологик детерминизми муаммоси билан ҳам боғлиқдир. Агар ўрта асрларда ижтимоий жавобгарликни Худонинг олдидаги мажбурият сифатида қараб, маънавий-ахлоқий тартиб учун масъулиятни тўлақонли Худога юкланган бўлса, янги давр фалсафасида бу жавобгарликни ақл-идроқка юклаш анъанага айланди. Шу маънода, немис файласуфи И.Кант инсоннинг ижтимоий жавобгарлигини автоном рационалликка асосланган кўринишини очиб беришга файласуф ҳаракат қилган. И.Кант бу ҳақда “Сен қила оладиган нарсани қилишинг эмас, балки ақл қонунига кўра қилиш керак бўлган нарсаларни қила олишинг керак. Бу вазифаларни бажара олмасанг айбни ташқи жиҳатлардан эмас, балки иродани сустигидан ишташ керак”, дейди[10]. Кант ўзининг ахлоқий таълимотининг марказида ташқи эмас балки ички санкцияларни жойлаштиради ва шундай қилиб ижтимоий жавобгарликни виждон билан чамбарчас боғлайди.

Кўпгина шарқ ва ғарбнинг файласуфлари ақл идрокни жамиятдаги тартибни эксплицитив ифодаланишида кўришида ўзига хос яқдил фикрга эгалар. Уларнинг ёндашувларидаги ўзаро яқдиллик одам ўз билганича яхшилик ва ёмонлик ҳақида қарор қабул қилмаслиги, унинг учун бу қарорни жамият ва давлат қилиши керак. Жамият инсонни жамиятдаги тутган ўрни, ижтимоий ҳолати, вазифасига қараб, ҳар бир инсонларни ижтимоий жавобгарлик чегарасини белгилаб беради, деган қарашга эга эканликларидадир. Ҳақиқатдан ҳам ақлан тўғри тақсимланган

вазифалар, яъни ҳар бир инсон инсон ўзи яхши бажара оладиган вазифани бажарса кўпчилик учун катта фойда келтириши мумкин. Ҳар бир инсон зиммасидаги абстракт, бажарилиши қийин бўлган бурчни адо этганда кўплаб хатоликларга йўл қўяди, ва бунинг оқибатида унинг зиммасидаги жавобгарлик ошиб боради.

XX асрга келиб ижтимоий жавобгарлик ахлоқий рефлексия марказига айланади. Бу жараёнлар шу билан боғлиқки фалсафа шахсининг ўзи, унинг ички дунёси, ҳис-туйғулари билан кўпроқ қизиқа бошлади. Шундай қилиб, ижтимоий жавобгарлик иррационал характердаги ахлоқий туйғулар экзистенциализм, постмодеризм каби фалсафий йўналишларни қизиқишига айланди. Иррационал йўналиш вакиллари фикрича ахлоқий “мен” мавжуд эмас, ахлоқ бошланғич мавжудликдир, ахлоқий жавобгарлик “мен”ни бошланғич реаллиги сифатида асосиз деб таъкидлаган ҳолда, уни мавжудликсиз тушуниб бўлмайди. Бу ғоялар норматив ахлоққа боғлиқ бўлмаган ижтимоий жавобгарлик билан белгиланувчи мавжудликни кўришимиз мумкин. Бу билан боғлиқ фикрларда файласуфлар мутлоқ жавобгар субъектлигини таъкидлашаётгани аслида Сукрот қарашларига бироз қайтишдай кўринади. Бугунги замонамиз олим ва файласуфлари ахлоқ генсеологисини ўрганиш давомида, ахлоқни келиб чиқишини ижтимоий жавобгарликка бориб тақалишини асослаб бермоқдалар. Фалсафий тафаккур тарихида инсонлар хотирасига масъулият ва жавобгарликни қаттиқ қонунлар ва одатлар билан сингдириб бориш зарурлигини таъкидлаб келишган бўлса, бугун инсонларга ижтимоий ҳаётнинг элементар талабларини эслаб қолиши учун виждон амри деган қонуннинг қатъий сингдириш жуда зарурлигини таъкидламоқдалар. Чунки инсонлар ўз фаолияти давомида аксарият ҳолларда ҳатти-ҳаракатлари натижаси салбий яқунланса, жавобгарликни билмаслиги ёки эсидан чиқарганлигини баҳона қилиб ўз зиммасидан олиб ташлашга ҳаракат қилишади. Виждонли бўлиш йўли эса ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш йўлидир. Бунинг натижасида албатта ижтимоий жавобгарликни юқори ўриндалигини тушуниб етиш инстинктига айлана бошлайди. Бу ҳолат инсонлар учун жавобгарликни ҳис қилишга олиб келадиган энг муҳим ва керакли ҳодисалардан бирига айланади.

Ҳозирги замонда жамиятнинг экологик, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётига бўлган ижтимоий жавобгарлик масаласи катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шундай қилиб ижтимоий жавобгарлик масаласи ҳозирги замонда, яни технологиялар тарақиёти даврида инсонлар учун ягона ахлоқий ечим ҳисобланади. Шу маънода, ҳозирги замондаги инсонларнинг кенг қамровдаги орзулари, яхши ҳаёт кечириш ва ҳеч қандай камчиликларсиз яшаш учун ҳаракатларининг оқибатлари теварак атрофга ҳамда инсоният келажагига бевосита таъсир кўрсатади.

References:

1. Gile N. Skirbek G. Istoriya flosofiya.-M. 2001. St. 69.
2. Gegel G. Leksii po istorii filosofii.-M. V 2-x kn. SPb. 1994. Kn. 2. S. 23.
3. Nersesyans V. Sokrat. M. 1984. S. 3.
4. Farobiy Abu Nasr. Fozil odamlar shahri.-T. 2015. 83 b.

5. Aristotel. Nikomaxova etika.-M. 2007.st.116.
6. Aristotel. Etika.- M. 2006. S. 81.
7. SHarq falsafasi.-T.2009. 49 b.
8. Kant I. Leksii po etike.-M. 2000. St. 231.